

Исроил Нурбеков

Қалб КЎЗИ




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

Н-87

Нурбеков, Исроил

Қалб кўзи/ И.Нурбеков. — Тошкент: Янги аср авлоди,
2016. 128 б.

ISBN 978-9943-27-711-3

Шеърият ҳис-туйғу, кечинмалар инъикоси. Исроил Нурбеков шеърларида ҳам муҳаббат, армон, орзу, соғинч каби юракни ларзага солувчи туйғулар ўзига хос тарзда таъсирчан ифода этилади.

Самимий, содда ва гўзал шеърлар Сизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-27-711-3

© И.Нурбеков. «Қалб кўзи», «Янги аср авлоди». 2016 йил.

ИЖОД ЗАВҚИ

Ҳар бир инсон дунёга келибдики, истеъдодли бўлиб туғилади, ҳамма гап уни пайқаб, тарбия қилиб рўёбга чиқаришда. Мурғак чақалоқ қонида — генида ё шоирлик, ё ҳофизлик, ё нотиклик, ё актёрлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик қобилияти тугун, ғунча ҳолида бўлади, муҳими, уни асраб-авайлаб ўстириш, ғунчани гул ҳолига келтиришда, шунга имкон яратишда. Ўтмишда табиат ато қилган истеъдодини рўёбга чиқара олмай, имкон тополмай ўтиб кетганлар қанча. Истиқлол йилларида мамлакатимизда яратилган, яратилаётган имкониятлар ҳавас қилгулик, ибрат олгулик.

Ёш болакай, қизалоқлар мусиқада, шахматда, гимнастикада, спортнинг турли соҳаларида ҳайратомуз ютуқларни қўлга киритишмоқда, жаҳонни лол қолдиришмоқда, хорижда ўтадиган фан олимпиадаларидан голиб бўлиб қайтишяпти, ўн етти-йигирма ёшли йигит-қизларимиз шеърый, насрий китоблар чиқариб, эл-юрт назарига тушишаётир, турфа мукофот, совринларни қўлга киритишаётир.

Пайариқ туманида туғилиб ўсиб, Самарқанд Давлат университети филология факультетини тугатиб, умрининг кўп йилларини тил-адабиёт ўқитувчиси, мактаб директори сифатида ёш авлод таълим-тарбиясига бахшида этган Исроил Нурбеков (1933–1989) Равот, Жўрабой, Чолмўйин қишлоқларидан кўплаб шогирдлар етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. Уларнинг аксарияти олий ўқув юртларини битириб, турли соҳаларда таниқли мутахассислар бўлиб етишишди, фан докторлари Алиқул Саидқулов, Насрид-

дин Халилов, Абдувоҳид Жумабоев, Шохдор Аҳмедов, республикада хизмат кўрсатган журналистлар Абдурауф Қоржовов, Аслиддин Болиев, публицист, адиб Фахриддин Содик шулар жумласидандир.

Исроил Нурбековнинг баъзи рубоий, ғазалларини ўз вақтида газеталарда ўқиганлар бор, лекин ёзган ашъорлари жамланиб, бир тўпلام ҳолига келтирилгани, вафотидан кейин чоп этилганини эшитиб, кўриб хурсанд бўлишади, албатта.

Ҳаёт тасодифларга тўла. Соғ-саломат ишлаб юрган Исроил аканинг кўзлари бирдан хира тортиб, кўп ўтмай кўрмай қолади. Кутилмаган зарба қанчалик оғир бўлганини тасаввур этиш мумкин: ёруғ дунё зимистонга айланса, кеча кўриб юрган одамлар, ўқувчилар, ҳамкасбларни кўролмай қолсанг, аёлинг, фарзандларингни овозидан танисанг, эшикка пайпаслаб чиқсанг... Бир муддат тушкунликка тушди, Мусаллам янга, жигарбандлари кеча-кундуз атрофида парвона бўлишди, дўст-ёронлари, қадрдон ўқувчилари, ҳамкасблари кўнгил сўраб келиб туришди, радио асосий ахборот воситаси, дилдоши бўлиб қолди.

Қанча-қанча толиби илмларга зиё таратиб юрган инсон ўзи зиёдан маҳрум бўлиб қолганини эшитиб жуда хафа бўлганман. Исроил ака ҳам қариндош, ҳам касбдош сифатида кўнглимга яқин инсонлардан. Бир қанча қишлоқдан таркиб топган қатта жамоа хўжалигига узоқ йиллар раҳбарлик қилган Нурбек Хидировнинг тўнғич фарзанди эди. Раис отамиз ишга қаттиқ берилган, тўғрисиўз, ҳалол одам эди, халқ мулкани бировга ҳам едирмас, ўзи ҳам емасди, боғ-роғлар яратишга, айниқса, катта эътибор берарди, ёзувчи Саид Назар «Яшил бойлик» романига материал йиғиб колхозимизга бир неча бор келиб, раҳбарлар, боғбонлар билан суҳбатлашгани эсимда. Нурбек Хидиров ўттизинчи йиллар охирида отам Умрқул Ҳайдаров билан худони ўртага қўйиб дўст



тутинган, отам ҳаёт вақтида ҳам, урушга кетиб ҳалок бўлгандан кейин ҳам дўстликка содиқ қолган, оиламизга қўлидан келганча ёрдам бериб турган.

Исроил ака СамДУ филология факультетида биздан уч-тўрт йил олдин ўқиган, адабиётга ихлоси баланд, кўп ўқийдиган, ижодий давраларда тез-тез қатнашиб турадиган одамлардан эди, қишлоғимиздаги хонадонига курсдош дўстларини меҳмонга кўп олиб келар, гурунларга мени ҳам таклиф этарди.

Маслаҳатлашиб Исроил акани Тошкентга олиб келиб, Қорақамишдаги кўз касалликлари шифохонасига жойлаштирдик. Уйимиз яқин, тўрт бекатли йўл эди, Мусаллам янга, Ойлар, Матлуба, ҳаммамиз ҳар куни хабар олиб турдик. Бандасининг истагани эмас, яратганнинг буюргани бўлар экан, касаллик ўтиб кетган эканми, икки ойлик муолажанинг фойдаси бўлмади, уйга жавоб беришди. Бошқа одам бўлганда тушкунликка тушиб, кўкрагини захга бериб ётармиди? Лекин Исроил ака иродаси кучли экан, синмади, кўп ўтмай ўзини қўлга олди, оқибатли одамлар, дўст-ёронлар тез-тез хабар олиб, кўнглини кўтариб туришди. Қишлоққа ҳар келганимда Тошкентда ишлаётган университетдош дўстларининг саломини етказар, ҳаётий, адабий мавзуларда мириқиб суҳбатлашар эдик. Бир келганимда билимингиз, тажрибангиз бор, таасуротингиз бой, назмдами, насрдами кучингизни бир синаб кўрмайсизми, деган маънода маслаҳат солдим. Айни кўнглидаги гапни қўзғаган эканмиз, ўзи ҳам баъзи нарсаларни хаёлида қоралаб, пишитиб юрган экан, айтиб берди. Машқни рубоийдан бошлаганини маъқуллаб, Эркин Воҳидовнинг «Шеърнинг сози тўрт сатр, Тўрт сатрда зўр сатр, Шоир одам ўзини Тўрт сатрда кўрсатур» мисраларини эслатдим. Кейинроқ келганимда анча рубоий битганини эшитиб хурсанд бўлдим, табрикладим.

*Ноннинг ушоғи ҳам эмасмидир нон?
Ушоғини увол қиларми инсон?
Ушоқ қайда эди гар бўлмаса дон,
Дон қайдадир меҳнат қилмаса геҳқон?*

Оддий ҳаётий ҳақиқатдан, кичик деталдан ибратли маъно чиқарилган.

*Осмон тиниқ бўлса, қуёш сочар нур,
Кўнглинг тиниқ бўлса, иқболинг кулур.
Дўстларинг кўп бўлса, улар меҳридан
Ҳатто ўксик дилинг топади ҳузур.*

Кейинги мисра алоҳида эътиборга молик. Дўст, қариндош касал бўлганда, бошга ташвиш тушганда билинади. Инсон яхши гапнинг гадоси, айниқса, соғлигини йўқотганда, ётиб қолганда. «Коммунизм байроғи» (ҳозирги «Пайариқ тонги») газетасида «Қалб кўзи билан» номли мақолам босилган, унда Исроил аканинг рубоий, ғазалларидан намуналар келтирилган эди. Машқларини ўқиб анча одам табриклашибди, ижодига омадлар тилашибди, машқларга зўр берибди. Эсимда, бир йили ўғиллари Азиз билан Фурқатнинг суннат тўйига таклиф қилингандик. Маслаҳатлашиб, тўйга кўпроқ адабий гурунг, шеърят байрами руҳини беришга қарор қилдик. Пайариқлик таниқли шоирлар Зиёдулла Нурматов, Абдимурод Исмамовлар ўртани чиройли, файзли олиб боришди, қарсиллатиб шеърлар ўқишди, яхши истаklar билдирилди, шоир отанинг кўнгли тоғдай кўтарилди, илҳомига илҳом қўшилди (Дадасига котиблик қилган, истаган вақтда, ҳатто кечалари айтиб турганларини ёзиб, кейин ўқиб берган Азиз бугунги кунда қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, дон соҳасида таниқли мутахассис, кўп мамлакатларда бўлиб тажриба алмашиб туради, ушбу тўпламнинг ҳам нашр этилишида бош-қош бўлган оқибатли фарзанд; Фурқат фермер, катта акаси Аб-



дулла нафақада, маҳалла фаолларидан; опа-сингиллар уй-жойли бўлиб кетишган).

Тўртлик, саккизликлардан кейин Исроил Нурбеков анча мураккаб жанр — ғазалда кучини синаб кўрадиган бўлди. Университетда ўқигани, Воҳид Абдуллаев, Нуриддин Шукуров, Худойберди Дониёров, Ҳамдам Бердиёров, Ориф Икромов ва бошқа устозлардан сабоқ олгани, вақтида кўп китоб мутолаа қилгани, анча-мунча ғазалларни ёд олгани, фарзандлари, шогирдлари янги китоблар олиб келиб ўқиб беришгани қўл келди

«Ижод завқи» ғазалида бошловчи шоирлар анъанасини давом эттириб, ўн олти мисрада ҳам руҳий ҳолатига, ҳам ижод йўлини бошлаганига ишора қилиб ўтади:

*Баъзилар ҳол сўрар, энди гардинга йўқ чора, деб,
Шум тақдиринг алдаб, бошингни ур девора, деб.*

*Шеър ёзмоқ эрур шиорим, токи ногонлар кулмагай,
Ота-бобонг шоир эрмас, бўлма сен овора, деб.*

*Эй, Исроил, қўрқма асло сен ижод заҳматиган,
Қаламни қўйма, йўл топдим кўнгилга бора-бора деб.*

Тўпلامда арузда ёзилган, анъанага кўра сўнги мисрасида шоир номи битилган олтимиштача ғазали келтирилган, қолганлари бармоқ вазнидаги шеър, рубоийлар, кўп маъноли «куя», «уялар» сўзлари қофияланган икки туюқ, «Шифобахш тут» номли баллада, «Соч билан тароқ», «Ёноқ билан тирноқ» масаллари...

Ҳамма шеър, ғазалларнинг савияси бир хил эмас, албатта. Аруз вазнида табиатга, она диёрга, ёрга, гул, булбулга, ишқ-муҳаббатга бағишлаб битган ғазалларининг анчаси самимийлиги, равонлиги, янги, оҳорли ташбеҳлар топилганлиги, босиқ эҳтирослилиги билан менга кўпроқ манзур бўлди. Қиш чиласидан баҳс этувчи «Она диёр» ғазали, гарчи янги гап айтилмаган

бўлса-да, оҳорли ташбех, детал, қиёслар топиш йўли-да (ернинг қор кўрпасида бурканиб, «музни новвот-дек шимиб, қорни қаймоқдай ялаб» серноз ухлаши, оқ булут — оқ кемалар кўк юзида чайқалиши, етти ранг камалақдан дорбозлардек чайқалиши) изланганлигидан, «Ишқ сурури», «Интизорлик», «Қани?», «Нечун севмай?», «Мажнунмисан, дер», «Умид», «Арзи ҳол», «Бўлмас», «Келдингми?», «Билмасмисан, сен», «Ноз сеҳри», «Ишва», «Жамолинг кўриб», «Кулиб», «Мен нетай» каби ғазаллари бу борада муайян ютуқларга эришганидан далолат беради.

Ғазалларнинг аксарияти, одатда, ёрга бағишланиши, бу йиғма образ умумлашма касб этиши маълум. Исроил Нурбековнинг «Қалб сўзи» ғазали айни чоғда садоқатли, вафодор умр йўлдоши, офир кунларда ёнида парвона бўлиб, чексиз меҳрибонлик кўрсатиб турган Мусаллам янгага бағишланган. Бир неча йил муқаддам вафот этган янгага ушбу ғазалини Исроил ака ўз вақтида миннатдорчилик рамзи сифатида ёддан ўқиб берган, кўнглини кўтарган экан. Муҳими шундаки, хаста шоир ўз ҳолати, ўксик кўнглидан нолиб эмас (шеърларига ношукурлик, нонумидлик эмас, ҳаётсеварлик, оптимистик руҳ кўпроқ хос), севикли ёри, ўғил-қизлари онасидан беҳад розию ризолиги, қарздор, бурчдорлигини ифодаловчи таъсирли мисралар битади:

*Солди дарг кўзимга чанг, сезмай зиё,
ёнимга борсан,
Рухни юксак, қадни тик тут, ҳамнафас,
жонимга борсан.
Сеҳри ишқинг нур — чароғким, жонфиго
парвонадурмен,
Сенга ҳамдарг, ҳамрозман, пок юрак
қонимга борсан.*



Ёрини дил султони, юрак қони, қалби нурафшо-
ни, аҳду паймони, чашми мужғони, назми бўстони,
бошда соябони каби сифатлар билан баланд таъ-
рифлашга маънавий ҳақли эди.

Исроил Нурбековнинг бармоқ вазнида битган айрим шеърлари нисбатан сустроқ, воқелиқдан узоқроқ, умумийроқ, баландпарвозроқ чиққандай. Синчков ўқувчи, талабчан мунаққидлар улар қай ҳолатда та-
саввурида етилгани, кўпроқ фарзандлари, қарин-
дош-уруғлари, таниш-билишлари, дўст-биродарла-
ри, шогирдлари, ҳамкасбларига, кексалик, хасталик
чоғларидаги дил изҳорлари, ёруғ бир хотира сифа-
тида нақшлангани, ўзи катта шоирликка даъво қил-
маганини назарда тутиб, қаттиқ талаблар, қатъий ан-
дозалар билан ёндашмасликларини истардик. Исроил
аканинг ҳаёти ўз бурчига, ёшлар таълим-тарбиясига
сидқидилдан ёндашиш, оғир, синовли кунларда иро-
дали, бардошли бўлиш, ўзини қўлга ола билиш, туш-
кунликка тушмаслик, ижодий ишлар билан шуғулла-
ниш, ҳар бир киши табиатан шоир эканлигини унут-
маслик маъносида ибратлидир.

*Тингланг, дўст, ушбу дил торини,
Шеърга солдим ўзимга неки борини.
Ҳаёт ёзи, кузи, қиши, баҳорини,
Ишқ, яхшилик, андак армон, зорини,
Айб этманг Исроилнинг азму қарорини.*

Бу сатрларни шоир камтар ижодининг лейтмоти-
ви дейиш мумкин.

*Сайду УМИРОВ,
Ўзбекистон Республикасига хизмат кўрсатган
ёшлар мураббийси, ёзувчи*

САМАРҚАНД ҚЎШИҒИ

Энг гўзал шаҳарлар ичра дурдона,
Қадим обидалар ичра кошона,
Халқим санъатидан буюк нишона,
Самарқандим, менинг бахтим камолинг,
Оламни лол айлар кўрку жамолинг.

Афросиёб қурган пойдеворингни,
Спитамен ҳимоя қилган орингни,
Амир Темур достон қилган борингни,
Самарқандим, менинг бахтим камолинг,
Оламни лол айлар кўрку жамолинг.

Дедилар: «Ғарбда Рим, Шарқда Самарқанд»,
Тенгсиздир шаҳар баҳси — фарқда Самарқанд,
Шаҳарлар тахтида — арқда Самарқанд,
Самарқандим, менинг бахтим камолинг,
Оламни лол айлар кўрку жамолинг.

Ватаним меҳридан бўлиб баҳраманда,
Гуллайвер, яшнайвер жаннатга монанд,
Чиройингдан айлаб дунёни хурсанд,
Самарқандим, менинг бахтим камолинг,
Оламни лол айлар кўрку жамолинг.





Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/uz/asar/3021> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3021> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3021>